



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 13 март, № 51 (8946)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Франция Республикасида бўлиб турибди.



12 март куни Париждаги Фахрийлар уйида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Мамлакатимиз етакчисини Франция Президенти Эммануэль Макрон кутиб олди.

Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига Франция Республика гвардияси, куруқлик қўшинлари, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво қушлари хизматчиларидан иборат фахрий қоровул саф тортиди.

Ҳарбий оркестр ижросида икки мамлакат мадҳиялари янгради. Гвардиячилар давлатимиз раҳбари олдидан тантанали юриб ўтди.

Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар ва расмий делегациялар аъзоларини қўлагилар.

Сўнг давлатимиз раҳбари отлик гвардиячилар ва мотоциклчилар ҳамроҳлигида олий даражада музокара ўтказиш учун Франция Президентининг қароргоҳи — Елисей саройига йўл олди.

Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалаларини юзма-юз ва делегациялар иштирокида атрофлича муҳокама қилдилар.

Икки мамлакат етакчиларининг 2023 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган учрашуви давомида эришилган келишувлар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Ўтган йилда товар айирбошлаш ҳажми илк бор 1 миллиард евродан ошди, қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Юртимизда Франциянинг «Orano», «EDF», «Total», «SUEZ», «Voltaia», «Veolia» ва қўллаб қўллаш етакчи компаниялари муваффақиятли иш олиб бормоқда. Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик янги сифат касб этди, у билан янги Ҳамкорлик дастури қабул қилинмоқда.

Ташрифга тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва «MEDEF» бизнес миссияси самарали ўтди, Ишбилармонлар палатаси ўз ишини бошлади.

Шу кунларда Париж, Тулуза, Лион ва Ницца шаҳарларида ҳудудларнинг фаол иштирокида қўшма тадбирлар ўтказилмоқда. Кунги кеча қўшма тиббиёт форуми ҳамда фан ва таълим бўйича конференция, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданиятига бағишланган тақдиротлар ўтказилди. Греть-Арменвиль шаҳрида буюк аллома Абу Райҳон Беруний бюсти очилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молвий шаҳарларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компаниялари ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди.

Бу галги саммитга янги Инновация ва саноат шериклиги дастури тайёрланган. Мухим минерал хомашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетика, инфратузилмани ривожланти-

риш, транспорт ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 6,5 миллиард евролик қўшма лойиҳаларни илгари суриш кўзда тутилган.

Умуман, қўшма лойиҳалар портфели 12 миллиард евродан зиёдни ташкил этмоқда.

Шу маънода, молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи йиғилишини жорий йил июнь ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказишни таклиф этди.

Ҳудудлараро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида келгуси йилда Самарқанд шаҳрида икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказишга келишиб олинди.

Етакчилар гуманитар йўналишдаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Париж шаҳрида Савицкий музейи тўпламидаги авангард асарлар кўргазмасини ташкил этиш, маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича ҳамкорлик учун мамлакатимизда Франция мероси институтини ваколатхонасини очиб режалари қўллаб-қувватланди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Франциядан тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон — Франция университети очилиши таълим соҳасидаги асосий келишув бўлгани таъкидланди. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик давом эттирилди.

Ишбилармонлик, туризм ва маданий алмашинувларни фаоллаштириш мақсадида томонлар тўғридан-тўғри авиақатновлар сонини кўпайтириш масаласини кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Кўп томонлама ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашнинг давом эттириш, терроризм, экстремизм, радикализм, киберхавфсизлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашишда саяб-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани таъкидланди.

Тизимли мулоқотни йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташкил шай вазирликлари бошчилигида иқтисодий идораларни жалб қилган ҳолда Стратегик режалаштириш гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макронни ўзи учун қўлай вақтда жавоб таъшифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Париж шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурда Мута-

хассислар ва талабалар ҳаракатчанлиги тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда tutувчи Инвестиция ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик дастури алмашилди.

Давлат ташрифи давомида қўйиладиган ҳам имзоланди:

— Ўзбекистон — Франция университетини ташкил этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Радмиссия тўғрисида ҳукуматлараро битим;

— Ташки ишлар вазирликларининг 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— 2026 — 2030 йилларда Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик дастури;

— Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида декларация;

— Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида декларация;

— Француз тилини ўқитишни кенгайтириш тўғрисида баённома;

— Мусика, кино ва театр соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларация;

— Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Франция Маданият вазирлиги, Маданий мерос миллий институти ва Марказий Осиё тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорлик битимлари;

— Тошкент ва Париж шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида баённома ва бошқа икки томонлама ҳужжатлар.

Елисей саройидаги олий даражадаги учрашув чоғида Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэль Макронга буюк француз ёзувчиси Виктор Гюгенин ўзбек тилига таржима қилинган «Кулаётган одам» романининг илк нусхасини совға қилди.

Ушбу китоб оммавий нашрдан чиқиши ва тез орада китобхоналар эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 2018 ва 2022 йилларда ушбу мамлакатта расмий ташрифлари ҳамда 2023 йилги Самарқанд саммитида ҳам Франция тадбиркорлари билан учрашган эди.

Форум ана шу очик ва конструктив мулоқотнинг давоми бўлди. Бу галги учрашув унда Ўзбекистоннинг хусусий компаниялари раҳбарлари ва вакиллари ҳам иштирок этгани билан ажралиб турди.

Тадбирда Франциянинг ташки савдо ва хориждаги француз фуқаролари ишлари бўйича вазир-делегати Лоран Сен-Мартен, Франция тараққиёт агентлиги бош директори Реми Риу, «MEDEF International» раҳбари — «Orano Mining» компанияси бошқаруви раиси Клод Имовен, шунингдек, икки мамлакат етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтиларининг 60 дан ортиқ раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Франция бизнеси томонидан «SUEZ»,

«Veolia», «Total», «EDF», «Voltaia», «Orano», «Meridiam», «Saint-Gobain», «Imerys», «Natixis», «Societe Generale», «BPI France», «Airbus», «MND», «Eiffage», «Schneider Electric», «Total Energies», «Alstom», «Technip Energies», «Egis», «ADP Group», «Ellipse Projects», «Assystem», «ATR» ва бошқа компаниялар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Франция Президенти Эммануэль Макрон билан ўтган самарали музокараларни юксак баҳолаб, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Учрашувнинг асосий натижаси сифатида Ўзбекистон — Франция муносабатларини стратегик шериклик даражасига кўтариш ҳақида тарихий қарор қабул қилинди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда икки мамлакат етакчи компаниялари муҳим ўрин тутаятгани қайд этилди.

Франция ишбилармон доиралари вакиллари янги Ўзбекистондаги ортага қайтмас иқтисодий ислохотлар стратегиясини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Жорий йил январь ойида «MEDEF» таркибидаги йирик компаниялар раҳбарларининг Тошкент шаҳрига ташрифи натижалари юксак баҳоланди.

Франция компаниялари билан мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоқларида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ушбу мамлакат инвестицияларини фаол жалб этиш ва илғор технологияларни жорий этиш, Франция корхоналарининг ечимлари, тўпланган катта тажриба ва билимларини қўллашдан Ўзбекистон манфаатдор.

Ўзбекистон Президенти Франция билан савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Франция компаниялари билан 2027 йилгача бўлган даврга мўлжалланган инновацион ва саноат кооперацияси дастури бунга хизмат қилади. Унга умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган аниқ йўналиш ва лойиҳалар киритилган.

Дастурни амалга ошириш доирасида Франциянинг етакчи банк ва молия ташкилотларини фаол жалб қилган ҳолда бизнес ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашининг самарали воситалари кенг жорий этилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари муҳим минерал ресурсларнинг истиқболли конларини ўзлаштириш ва уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари, кимё ва фармацевтика тармоқлари, электротехника саноати, қишлоқ ҳўжалигида замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва бошқаларни Ўзбекистон — Франция ишбилармонлик ҳамкорлигини янада ривожлантиришининг истиқболли йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтди.

Энергетикада энергия ишлаб чиқариш ва сақлаш қувватларини кенгайтириш, Ўзбекистон ҳудудларида сув ҳўжалиги, коммунал, туризм, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ҳамкорлигини ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

— Икки мамлакат компаниялари иш-тироқидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш мақсадида доимий фаолият юритадиган Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этишни таклиф қиламан. Биз томондан унга Ўзбекистон Бош вазир раҳбарлик қилади. Биринчи учрашувни июнь ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказишимиз мумкин. Барчангизни ташкил этилаётган кенгашнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида бўлажак тадбирда фаол иштирок этишга таклиф этаман, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўз навбатида, Франция ишбилармон доиралари вакиллари ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича аниқ таклиф ва режаларини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари ишбилармон доиралар вакиллари муваффақиятлар тилаб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Ўзбекистон Ҳукумати томонидан тасдиқланган «йўл хариталари» асосида эришилган келишувлар ижроси устидан назоратни таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Ташриф доирасида Париж шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Юксак мукофотни давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Эммануэль Макрон тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ушбу орденга сазовор бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси мукофот учун Франция раҳбарига самимий миннатдорлик билдириб, кейинги йилларда сермахсул ҳамкорликда юксак натижаларга эришилгани, икки мамлакат муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Фахрий легион ордени 1802 йилда таъсис этилган. Францияда ушбу орден алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафнинг энг юқори белгиси ҳисобланади.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шарафига давлат қабул маросимини уюштирди.

Қабулда Ўзбекистон ва Франция расмий делегациялари аъзолари, таниқли маданият, санъат ва фан арбоблари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Эммануэль Макрон ва унинг рафиқаси Брижит Макронга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, бугун бўлиб ўтган музокаралар тарихий аҳамиятга эга эканини, уларнинг натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

Франция етакчиси бугун ўтказилган музокаралар натижаларини ва имзоланган битимларни олқишлади.

— Бир неча йил ичида биз энергетика, сув ресурсларини бошқариш, ком-

мунал хизматлар, транспорт, барқарор туризм каби муҳим соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга эришдик. Бунинг далили сифатида Франция ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги кумагида француз компаниялари Ўзбекистонга инвестиция киритаётгани, ҳудудларда қўшилган қиймат ва иш ўринлари яратилаётгани, ёшлар касб ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топаётганини келтиришим мумкин, — деди Эммануэль Макрон.

Томонлар халқларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон — Франция таълим, фан ва маданият масалалари бўйича иштирокларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Францияга давлат ташрифи доирасида БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Одри Азулени қабул қилди.

БМТ тизимидаги ушбу нуфузли тузилма билан самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Кўп қиррали шериклик бугунги кунда юксак даражада экани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан ахборотдан фойдаланиш ва болалар таълими масалалари бўйича резолюциялар қабул қилинди.

Мамлакатимиз Маданий бойликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро марказга аъзо бўлди. Бухоро «Креатив шаҳарлар тармоғи»га қўшилди. Самарқанддаги Ипак йўли университетида ЮНЕСКО кафедраси очилди. Ўтган йили таълим, маданият, рақамли ва инновацион технологиялар соҳаларида 7 та янги лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Турон қўллари ва Зарафшон — Қорақум йўлига, ипакчилик, кулолчилик, рубоб чалиш ва ифторлик анъаналари, «Бухоро амираи девонхонаси архиви», «Туркистон альбому», «Худойберган Девоннов фотоальбому» ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатларига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Самарқанд шаҳрида бўлажак Бош конференциянинг 43-сессияси сўнгги 40 йил ичида биринчи марта ЮНЕСКОнинг Париж шаҳридаги қароргоҳидан бошқа жойда ўтказилди. Бу воқеа ташкилотнинг 80 йиллигига тўғри келади.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистон билан сермахсул ҳамкорлигини юксак баҳолаб, бўлажак тадбирга кенг қўламли тайёргарлик қўрилаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Амалий ҳамкорлик дастурларини янада кенгайтириш, шунингдек, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасидаги форум ва тадбирларни ташкил этиш бўйича яқиндан ҳамкорлигини давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11 март куни Францияга бошланган давлат ташрифи хорижий оммавий ахборот воситалари диққат марказида.

Дунё нигоҳи

Хусусан, Буюк Британиянинг машҳур “London Post” аниқликлар порталида мазкур давлат ташрифи Франция Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан амалга оширилгани ҳақида ёзилади.

Қайд этилишича, Парижга ташриф кун тартибидан олий даражадаги музокаралар ва тадбирлар, шунингдек, Франция расмий ва ишбилармон доиралари билан бир қатор учрашувлар ўрин олган. “Савдо-иқтисодий ва сармоявий-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни илгари суришга устувор эътибор қаратиляпти”, дейилган “London Post”даги мақолада.

Нашрда саммит яқунлари бўйича ҳукуматларро ва идораларро келишувлар тўплами қабул қилингани хабар берилган. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле билан учрашиб, жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилди, дея қайд этилган материалда.

сини кенгайтириш масалаларини муҳокама қияпти. Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўзаро ишончини мустаҳкамлаш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, шунингдек, ЕИ билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тезроқ имзолаш борасидаги саяй-ҳаракатларини янада қўллаб-қувватлашга тайёр.

Жанубий Кореянинг нуфузли “UN Journal” босма нашрида ҳам Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигига бағишланган мақола босилди.

Унда Франция Президенти Эммануэль Макроннинг 2023 йил 2 ноябрь кунин Самарқандга ташрифи чоғида ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш нияти эълон қилингани ҳамда “яшил” энергия, хомашё қазиб олиш ва қайта ишлаш, инновацион қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти, логистика, инфра-тузилмани ривожлантириш каби соҳаларда янги йирик лойиҳаларни илгари суриш чора-тадбирлари муҳокама этилгани таъкидланган.

Хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик муносабатларини ривожлантиришдан икки давлат манфаатдор экани қайд этилган. Ўзбекистонда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ва сармоявий имкониятлар француз бизнеси вакиллари-ни тобора кўпроқ жалб қилмоқда.

Маълум қилинганидек, “Total Eren”, “Veolia”, “EDF”, “Orano”, “Lactalis”, “Carrefour” ва “Shiever” каби жаҳон миқёсидаги компаниялар Ўзбекистонда

МУРОЖААТЛАР, СЎРОВНОМА ВА НАТИЖА



Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятига, жойларда аҳолини қийнаб келаётган масалаларни ижобий ҳал этиш ва уларга амалий кўмак бериш, мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш, қолаверса, жойларда сайёр қабуллар уюштиришга алоҳида эътибор қаратди. Қўмитанинг 2024 йил 20 ноябрдан шу йилнинг 28 февралига қадар ҳар хил масалаларни қамраб олган 6 та мажлиси ўтказилди.

Сенат қўмиталарида

Ҳисобот даврида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга киритилган 11 қонун ҳамда Сенат ваколатига доир 6 та масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, қўмита мажлисида Сенат томонидан ишлаб чиқилган “Жинойт ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Утган қисқа даврда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга риоя этиши, Сенат ва унинг Кенгаши қарорларининг бажарилиши, шунингдек, қонунларнинг, Сенат қарорларининг ижроси ҳолати, ҳўқуқни қўллаш амалиёти жойларга чиқиб ўрганилди ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари билан биргаликда муҳокама этилди.

Мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимининг мустаҳкам пойдевори яратилган бўлиб, бу борада қўмита аъзолари ҳам жисмоний ва юридик шахслардан

келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш бўйича бир қанча ишларни амалга оширди. Хусусан, улар томонидан 632 та мурожаат кўриб чиқилди ва назоратга олиниб, юборилган 69 та мурожаатдан 23 таси ижобий ҳал этилди. Сенатда ва ҳўдудларда жами 500 дан зиёд фуқаролар қабул қилинди.

Қўмитага келиб тушган мурожаатларнинг ақсарияти суд қарорларидан норози бўлиб ёзилган шикоятлардан иборат бўлса, қолганини ички ишлар органларига тааллуқли бўлган масалалар ҳамда давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда сенаторларнинг қабулини сураб ёзилган мурожаатлар ташкил этади.

Айтиш лозимки, салмоқли мурожаатлар алимент билан боғлиқ бўлиб, улар қўмита томонидан қатъий назоратга олиб борилаётгани натижасида Мажбурий ижро бюроси томонидан қарадорлик ва алимент пуллари ундириб берилмоқда.

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун меъёлари асосида қўмита томонидан уюштирилган қабул жараёнларида 352 нафар фуқароннинг муаммолари, талаб ва истак-

лари, фикр-мулоҳазалари тингланиб, жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Хусусан, 75 нафар фуқароннинг мурожаати сенаторларнинг қўнуний аралашуви ҳамда ишчи гуруҳининг саяй-ҳаракатлари билан жойида ижобий ҳал қилинди. 279 нафар фуқароннинг мурожаатлари тегишли ижро органларига юборилди ва бажарилиши назоратга олинди.

Суд-ҳўқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари томонидан тегишли ҳўдуд ва сайловчилар манфаатларига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш борасида парламент назоратининг сенатор сўрови шаклидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида сайловчилар, мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 4 та сенатор сўрови юборилди.

Мисол учун, сурункли касаллиқнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва алоҳида жонда яшашга муқоаб бўлган шахсларнинг субсидия олиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш максасида қўрилаётган ишлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги режалари юзасидан ёки транспорт воситалари хайдовчилирини тайёрловчи ҳамда қайта тайёрловчи автомактаблар фаолиятини лицензиялаш; Сурхондарё вилоятида жойлашган имтиҳон олиш автодроми фаолиятини йўлга қўйиш; болаларда йўл ҳаракати қоидалари бўйича етарли кўникмаларни шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш максасида қайта борилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг режалари юзасидан сенатор сўрови юборилди, асослантирилган жавоблар олинди.

Ўз навбатида, Амударё тумани табиий иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган ҳўдудлар рўйхатида киритилмаганлиги масаласи юзасидан ҳам Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирига сўров юборилди.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янада ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ташриф нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ҳам янги босқичга кўтарилишини аңглатади.

Фикр

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги дўстона муносабатлар 2016 йилдан кейин янада фаоллашди. Хусусан, 2018 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга илк расмий ташрифи натижасида ҳукуматларро ва идораларро 10 та муҳим ҳўжат имзоланди.

2022 йилда Президент Мирзиёев Францияга яна бир расмий ташриф билан бориб, икки давлат парламентлари ўртасида ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва маданий-гуманитар ҳамкорликни чўқурлаштиришга қаратилган келишўвларга эришди. Натижада Франция Ташқи ишлар вазирлиги билан 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда умумий қиймати 6 миллиард евродан ортқ бўлган савдо-иқтисодий ва ин-

вестициявий лойиҳалар бўйича келишўв имзоланди.

Маданий алоқалар Ўзбекистон ва Франция муносабатларида муҳим ўрин тутди. 2022 йилда Париждаги Лувр музейида “Ўзбекистон воҳалари хазиналари: Карвон йўллари чорраҳасида” номли кўргазма ташкил этилди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг бой маданий меросини Франция жамоатчилиги билан яқиндан таништиришга хизмат қилди.

Бўндан ташқари, икки мамлакат ўртасидаги таълим алоқалари ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда 200 мингга яқин ўқувчи ва талабалар француз тилини ўрганмоқда. Юртимиздаги 700 та мактаб ва 13 та университетда француз филологияси бўйича

таълим берилади. Тошкентда жойлашган “Alliance Française” маркази ўзбек ёшларига француз тили ва маданиятини қўқурроқ ўрганиш имконини бермоқда.

Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим кўруниши — Тошкентда Страсбург ва Панетевон-Сорбонна университетлари филиалларининг очилишидир. Ушбу филиаллар орқали Ўзбекистон ёшлари Франциянинг юқори сифатли таълим тизимидан бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Эндиликда ушбу ҳамкорликни янада ривожлантириш, парламентларро мулоқот ва қонунчилик соҳасидаги тажриба алмашинувини қучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Айни чоғда Ўзбекистоннинг маданий ва илмий меросини Францияда тарғиб қилиш, туризм ва таълим алоқаларини кенгайтириш орқали икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда қамарбаста бўламиз.

Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ «ТОП – 500» ТАЛИКДА

Шу йилнинг 12 март куни QS (“Quacquarelli Symonds World University Rankings”) халқаро рейтинг агентлиги томонидан “QS by subject – 2025” халқаро университетлар рейтингини натижалари расман эълон қилинди. Ушбу рейтингда Тошкент давлат иқтисодий университети (ТДИУ) биринчи марта “Иқтимоий фанлар ва менежмент” йўналиши бўйича “Иқтисодиёт ва эконометрика” соҳасида жаҳоннинг нуфузли “ТОП – 500” университетлари орасида 401 — 450-погоналарда қайд этилди.

Хушхабар

Қувонарлики, ТДИУ QS рейтингининг мазкур йўналиши бўйича унба натижага эришган Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида биринчи ва ҳозирча ягона университет ҳисобланади.

Айтиш керакки, QS (“Quacquarelli Symonds World University Rankings”) — бу дўнўдаги энг нуфузли таълим рейтингларини тўзувчи халқаро ташкилотлардан бири. У, асосан, олий таълим муассасаларини баҳолаш билан шўғулланади. QS рейтинглари тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчилар фикри асосида олийоҳқинг академик обрўси, битирувчиларнинг ишга жойлашш имкониятлари бўйича иш берувчиларнинг муносабати, талабалар ва ўқитувчилар салоҳияти, уларнинг халқаро илмий журналлардаги мақоалари ҳамда иқтибослар сони, халқаро талабалар ва профессор-ўқитувчилар улуши каби турли мезонларга асосланади.

Бу муваффақият мамлакатимизда соҳа тараққиётига давлат сиёсати даражасида қаратилаётган эътибор самараси, жумладан, олий-оҳқинг илмий тадқиқот фаолиятини кенгайтириш, халқаро академик ҳамкорликни ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш бўйича узок муддатли стратегияси натижасидир.

Президентимиз Фармонига мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси юртимизда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ишончли интеграциясини таъминлаш асосида рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Фармонга кўра, олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилляпти. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илгор стандартлари жорий қилинаётган. Жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган тизимга босқичма-босқич ўтқилимоқда.

Олиб борилаётган ишлар ўз мевасини бермоқда. Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи ҳамда айланиб бормоқда.

Соҳада бундай ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этиляпти. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг QS рейтингда “ТОП – 500” таликдан жой олгани ҳам сўзимиз исботи.

Қайд этиш жоизки, ТДИУ бошқа миллий ва халқаро рейтингларда ҳам юқори ўринларни эгаллаб келимқда. Хусусан, университет “QS Stars” рейтингида 5 юлдуз олган Марказий Осиёда иккинчи ва Ўзбекистонда биринчи олийоҳқидир.

Бундай ютуқлар ТДИУнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириб, университет жамоаси учун янги марралар сари дадил қадам ташлашга катта рағбат ва имконият беради.

«Халқ сўзи».

Муносабат САМАРАЛИ НАЗОРАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, адолатни таъминлаш ҳамда уни юзага чиқаришда суд ҳўкимияти муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз суд тизимини тартибга солиш ва уни янада тақомиллаштиришни назарда тутди. Жумладан, сўнгги йилларда судларга доир бир қанча ҳўжатлар қабул қилиниб, уларнинг фаолияти тўддан ислох этилди.

Жорий йил 30 январда имзоланган “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори суд тизимини янада мукаммаллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий судлар фаолиятини тақомиллаштириш ва фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кўзда тутилган бўлиб, биринчи навбатда, маъмурий судларнинг самарали ишлашини таъминлаш, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари билан муносабатларида пайдо бўлган низоларни адолатли ва тезкор ҳал этишини мақсад қилади.

2017 йилда маъмурий судлар тизимини ташкил этиш борасидаги кенг кўламли ислохотлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари устидан судга шикоят қилиш ҳўқуқларини таъминлашда муҳим омил бўлди. Утган давр мобайнида маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган ариза ва шикоятларнинг 57 фоизи қаноатлантирилиши ҳам фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ҳўқуқларини тиклаш йўлида маъмурий судларнинг самарали ва ишончли ҳимоя механизмларга эга бўлганлигидан далолат беради.

Бўндан ташқари, маъмурий судлар фаолиятига илгор хорижий тажриба ва институтларни жорий қилиш орқали фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ҳўқуқлари ҳимоясига қаратилган чора-тадбирларни янада кенгайтириш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Маъмурий судларга киритилаётган янги тартиб-таомиллар, жумладан, судга ҳўжатлар тақдим этган давлат органни мансабдор шахсларининг мажбурий иштирокчини ва маъмурий иш юритишда ишларнинг тезкор ҳамда сифатли кўриб чиқилишини таъминлашга қаратилган дастлабки эшитувни жорий қилиш ушбу ўзгаришларнинг ҳамият учун қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Маъмурий судлар тизимининг кейинги тараққиёти учун муҳим қадамлардан яна бири — маъмурий суд иш юритуви-

да дастлабки эшитув институтини жорий этиш. Бу институтнинг мақсади аризаларга ўз ҳўқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳўжатлар ва далиллар тақдим этиш, шунингдек, аризалчи ва жавобгарларнинг мақсад-муддаоларини аниқлаштириш ҳисобланади. Бу механизм иш юритувининг тезкорлигига, ариза ва далилларини аниқлаштириш ҳамда ишининг одилона ҳал қилинишига имкон яратди. Дастлабки эшитувнинг натижасига кўра, ариза қайтарилиши ёки иш бўйича суд муҳокамаси тайинланиши мумкин. Бўнинг барчаси, маъмурий судларнинг ишончли ва самарали фаолиятини таъминлайди.

Шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳўқуқбузарликлари ҳамда маъмурий қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатининг маъмурий судларга берилиши мазкур тартиб-таомилларнинг янада самарали амалга оширилишига ёрдам беради. Агар давлат органи ва мансабдор шахсларнинг фаолияти суд томонидан хато ёки қонунга хилоф деб топилса, уларга жавобгарлик оқлатиш зарурияти қонун устуворлиги таъминланишини қучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Маъмурий судлар билан боғлиқ ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан яна бири — тадбиркорлар учун солиқ ҳўқуқбузарликларининг тан олиниши орқали солиқ органи томонидан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш тартибининг жорий этилиши. Бу чоралар тадбиркорлар учун молиявий ахборотларнинг шаффоф бўлиши ва ўзаро ишончининг ошишида муҳим омилдир.

Суд тизимидagi ислохотлар, айниқса, маъмурий судлар орқали фуқароларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш давлат органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш имконини беради. Бўнинг натижасида фуқароларнинг ҳўқуқлари бузилганда, судга мурожаат этиш орқали ўзларини ҳимоя қилиш имконияти мустаҳкамланади.

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳўқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

ҲЎҚУҚЛАРДА АКС ЭТАЁТГАН ҚАДРИЯТ

2024 йилда Омбудсманга келиб тушган мурожаатларнинг энг кўпи шахарсозлик нормалари бузилиши натижасида экологияга зарар етказилиши билан боғлиқ масалаларни ташкил этган.

Бу ҳақда Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология ҳамда Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг қўшма мажлисида тўхталиб ўтилди.

Унда парламентнинг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси эшитилди.

Қайд этилганидек, Омбудсман мамлакатимиздаги ҳар бир инсон ўзини ҳимояланган ва қадрли эканлигини ҳис қилишига, уларнинг ҳўқуқлари қафолатланишини таъминлашга интиляпти.

2024 йилда Омбудсманга 23 422 та шикоят келиб тушган. Уларнинг 6 560 таси ижтимоий, 6 004 таси иқтисодий, 2 926 таси мурожаат этиш ҳўқуқи ҳамда сиёсий ҳўқуқлар, 3 392 таси шахсий ҳўқуқ ва эркинликларни, 282 таси экологик ҳўқуқлар ҳамда 1 447 таси бошқа масалалардаги мурожаатларни қамраб олган.

Таъкидланганидек, бугунги

кунда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Утган йилда экологик ҳўқуқлар йўналишида келиб тушган 282 та мурожаатнинг 51 таси назоратга олиниб, ваколатли давлат органларига Омбудсманнинг сўрови киритилган. 118 таси тегишли давлат органларига кўриб чиқилиши учун юборилган ва 19 таси бўйича тушунтириш берилган. Назоратга олинган мурожаатларнинг 72,5 фоизи ижобий ҳал этилишига эришилган.

Ўрганишлар давомида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, “Таштапул” МФЙдаги қонуний қурилиш ишларининг тўхтатилишига эришилган, 2 та ҳолатда ўзбўшминчалик билан қулруган иншоотларни буздириш бўйича судга даъво аризаси киритилган. Шунингдек, атроф-муҳитга бўлган ҳўқуқлар масаласида 54 та, тоза ичимлик суви таъминоти билан

боғлиқ 17 та, санитария-эпидемиология бўйича 12 та мурожаат келиб тушган.

Мурожаатлар юзасидан Омбудсманнинг юборган сўровлари натижасида Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманидаги 50 гектар ер майдонида жойлашган 19 йиллик дарахтлар қесилишининг олди олинган бўлса, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, “Бунёдор” МФЙдаги қурувлар тозаланишига эришилган.

Шу билан бирга, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳўқуқларини таъминлашга қаратилган қатор чоралар кўрилди. Хотин-қизларнинг фарздонлари таъминоти учун алимент ва молиявий кўмак олиш бўйича 298 та мурожаати назоратга олиниб, уларнинг 197 таси (66,1 фоизи) ижобий ҳал этилди ва воғга етмаган 5 нафар боланинг мактабга қабул қилинишида кўмаклашилди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар юзасидан қўмита-ларнинг тегишли қарори қабул қилинди.

БОЛАЛАР ОМБУДСМАНИ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Парламент юқори палатасининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Олий Мажлисининг Бола ҳўқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени)нинг бола ҳўқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳақидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Мажлисда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Ёшлар парламенти, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияси ҳамда Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри комиссиялари аъзолари иштирок этди.

Ҳисоботда келтирилишича, 2024 йилда Болалар омбудсмани номига Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар фуқаролари, омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар томонидан жами 1 064 та мурожаат келиб тушган. Шундан 898 таси Бола ҳўқуқлари бўйича вакил томонидан тўлиқ назоратга олинган бўлиб, 283 та мурожаат ижобий ҳал қилинган ҳамда 545 таси бўйича ҳўқуқий тушунтириш берилган.

2024 йилда бола ҳўқуқлари соҳасидаги қонунчиликдаги мавжуд муаммолар таҳлили асосида давлат органлари ва ташкилотларига 40 та таҳлилий ахборот киритилган.

Бола ҳўқуқлари бўйича вакилнинг 35 та шахсий қабули ташкил этилиб, уларда жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 160 та мурожаати кўриб чиқилган.

Болалар омбудсмани мурожаатлар таҳлили ва мониторингинг асосида давлат органлари томонидан бола ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилгани юзасидан тегишли мутасадди идораларга 9 та оғохлантириш, 3 та тақдимнома, 18 та хулоса ва суд ҳўжжати устидан протест келтириш тўғрисида 6 та илтимоснома киритган.

Болалар омбудсмани номига келган муро-

жаатларни ўрганиш натижасида аниқланган болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳолатлари юзасидан 14 та жиноят иши ҳамда 18 та маъмурий иш кўзғатилган. Таълим муассасаларида болага жисмоний зўравонлик қилгани ва ўз касбий фаолиятига соувқонлик билан қарагани учун 7 нафар педагог ҳодим маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, 22 нафарига нисбатан интизомий жазо қўлланилди. Шунингдек, болага нисбатан қўпун муомалада бўлгани учун ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органнинг 3 нафар ҳодими интизомий жазога, боланинг шаъни ва қадр-қимматини поймол этганлиги сабабли 2 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари ва болаларга нисбатан содир қилинган жиноятларга оид суд ҳабарномалари асосида Болалар омбудсмани ва унинг қотибяти ҳодимлари фуқаролик, жиний ва маъмурий ишлар (46 та) юзасидан судларда қузатувчи сифатида иштирок этди.

Болалар омбудсмани маърузаси эшитилгандан сўнг масўул вазирлик ҳамда идоралар вакилларининг Ўзбекистонда бола ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар, қонун билан зиддиятда бўлган болаларнинг ҳолати ҳамда айрим соҳаларда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга доир масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Мажлис якунида кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИ ЯНАДА ТАШАББУСКОР, ФАОЛ БЎЛИШИ – ПИРОВАРД МАҚСАД

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан қуйи палата ва унинг органлари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Президент маърузасида илгари сурилган ташаббуслар ҳақида сўз юритиб, парламент олдида турган устувор вазифаларга тўхталиб ўтди. “Хукумат сўти”, “парламент эшитуви”, “парламент сўрови”, “депутат сўрови” каби институтлардан коррупциянинг олдини олишда самарали фойдаланиш лозимлиги, депутатлар сайлов округларидаги фаолияти давомида соҳаларни ўрганиши, фуқаролар билан суҳбатлашиб, жойлардаги коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш масаласини парламентга олиб чиқишлари кераклиги айтилди. Давлатимиз раҳбари маърузасида билдирилган тақлифлар, вазифалардан келиб чиқиб, “Йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани, коррупцияга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларда қуйи палатанинг барча органлари кенг жалб этилиши таъкидланди.

Мажлисида ушбу масала юзасидан фракциялар раҳбарлари, қўмита раислари ҳам ўз муносабати ва тақлифларини билдирди. Сўзга чиққанлар коррупцияга қарши курашишда фаоллик кўрсатиш лозимлигини, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган тақлиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, бу жараёнда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилишини билдирди.

Шунингдек, мажлисида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга оид қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ҳомийлик фаолияти тартиби такомиллашмоқда

Мажлисида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳомийлик фаолияти субъектларидаги нисбатан давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ҳомийлик ташкилотларининг фаолияти очиклигини ва фуқароларнинг уларга нисбатан ишончини юксалтириш ҳамда ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун пул маблағларини йиғишни қонуний тартибга солиш мақсадига ишлаб чиқилган.

Лойиҳада ҳомийликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча механизмлари, ҳомийлик хайрияларини йиғиш, хайрия қўтисини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартиблари, шунингдек, ҳомийлик хайриялари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш ва ушбу жараёнинг очиклигини таъминлаш шартлари ҳамда ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида масул қўмита томонидан қатор ишлар амалга оширилгани, жумладан, ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунослар иштирокида семинарлар, йиғилишлар ўтказилгани айтилди. Уларда депутатлар берган тақлифлар асосида ҳужжат матни ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилиб, маромига етказилгани таъкидланди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Таъсирчан ва самарадор жамоатчилик назорати ошади

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларидаги қўшимча ва ўзгаришларни киратиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Унда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги,

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Конституция ва қонунчиликда белгиланган фаолият эркинлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадига уларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун давлат органларининг мансабдор шахсларига маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Жамоатчилик назорати тадбирларининг самардорлигини ошириш мақсадига эса жамоатчилик назорати натижаси бўйича давлат органларига киритилган яқуний ҳужжатни белгиланган муддатда қўриб чиқмаслик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик белгилаш назарда тутилган.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик учун амалда бўлган маъмурий жарима миқдорлари ўртача тўртдан бир қисмига қайтарилимоқда.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик олдида фаолият шаффофлиги ва ҳисобдорлиги ошириляпти. Яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари хорижий манбалардан олган пул маблағлари ва мол-мулк ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни жамоатчиликка эълон қилиши белгиланмоқда.



Ҳомийлик ва хайрия фаолиятининг манзиллигини таъминлаш, жамоат фондлари фаолиятига аҳолининг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадига ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ёҳуд фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар томонидан жамоат фондлари ташкил қила олмаслиги ҳам ушбу қонун лойиҳасида акс этаётди. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотларнинг хорижий грантлар ҳисобидан сиёсий фаолиятда иштироки янада тартибга солиноқда. Қолаверса, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий донорлар буюртмасига асосан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган социологик тадқиқотлар ўтказиш фаолиятининг шаффофлигини оширишга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолият эркинлиги кафолатларини ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини йўлга қўйишга асос яратди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.



Фуқаролик жамияти институтлари янада қўллаб-қувватланади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига кенг жалб қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга мустаҳкам замин яратди.

Янги таҳрирдаги Конституциямазда фуқаролик жамияти институтлари алоҳида боб сифатида киритилиб, фуқаролик жамияти институтлари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши белгиланди.

Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги тегишли Фармони билан Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолияти институционал ва ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан тубдан ислох қилинди.

Охириги тўрт йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтларининг 3 мингга яқин лойиҳалари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Ушбу қонун лойиҳасида амалдаги қонунчилик нормаларини янги таҳрирдаги Конституция-мизга мослаштириш, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг вазифалари, уларнинг давлат субсидияси, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни ажратиш жараёнидаги ваколатлари аниқлаштирилмоқда. Фондлар фаолиятида ортиқча текширув ва бюрократия тартиб-таомилларини қайтаришга қаратилган нормалар киритилляпти.

Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклини янги босқичга кўтариш ва ижобий баҳоланган лойиҳалар юзасидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш бўйича давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача даражада тўғридан-тўғри шартнома тузилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонуний манфаатлар кафолати

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Унда масъулияти чекланган жамиятларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд ҳуқуқий бўлиқларни тўлдириш, соҳага ривожланган давлатларнинг тажрибасини жорий қилишга оид ҳуқуқий нормалар акс этмоқда. Шунингдек, масъулияти чекланган жамият нафақат лицензия, балки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар ва хабардор қилиш тартибидида фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги, жамиятларнинг филиал ва ваколатхоналарини очиш тартиблари белгиланмоқда.

Депутатлар жамият иштирокчиларига ўз корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида корпоратив шартномалар тузиш ҳуқуқи берилаётгани, низоли вазиятлар медиация ёки ҳакамлик суди тартибидида ҳам ҳал қилиниши мумкин этиб белгиланаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Халқ вакиллари лойиҳада жамият кузатув кенгашининг қарорларини сирдан овоз бериш йўли орқали (сўров йўли билан) қабул қилиш тартиби ҳамда устав фондидаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим оддий ёзма шаклда амалга оширилиши мумкинлигининг белгиланиши МЧЖларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл очишини қайд этди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамият иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга, жамият фаолиятида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга асос яратди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Жабрланганлар ҳуқуқлари муҳофаза қилинади

Жиноят процессида мажбурлов чоралари институтини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги энг муҳим кафолатлардан бири сифатида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқларини қонун билан муҳофаза қилиш, жабрланганларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун давлат шарт-шароитлар яратиши белгиланди.

Бироқ жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилмаган ҳолларда, ушбу шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини тарк этиб суриштирув, тергов ёҳуд суддан ашириниш ҳолатлари кузатишмоқда. Натижада жиноятдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарларни қоплаш имконияти пасаймоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан айрим қонун ҳужжатларига ғумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилмаган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини тарк этиб суриштирув, дастлабки тергов ёҳуд суддан узрли сабабларсиз бўйин товлаши мумкинлигига етарли асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан уларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаб қўйиш тартиби белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси жабрланувчининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Инвестициявий муҳит ва экспорт ҳажми

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2025 йил 21 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Қудратовга “Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридида рақобатбардорлигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспортни диверсификация қилиш ва глобал савдо алоқаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.

Унда экспорт йўналишларини диверсификация қилиш, экспорт ҳажминини ошириш, талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланитрилган тушунтиришлар бериш сўраланди.

Мажлисида депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни кўриб чиқди.

Унда келтирилишича, қўтимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда юқори маржалли бозорларга чиқиш ва уларга босқичма-босқич экспорт ҳажминини ошириб бориш бўйича чоралар кўрилмоқда. Хусусан, маҳаллий маҳсулотларнинг хорижий мамлакатлар бозорларига экспортни диверсификация қилиш ва савдо тартиботларини енгиллаштириш мақсадига Туркия ва Покистон билан имтиёзли савдо битими имзоланди.

Ушбу битимлар доирасида Туркияга 12 турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, Покистон бозорига 17 турдаги маҳаллий маҳсулотларни имтиёзли савдо тартиби асосида пасайтирилган божхона божлари билан экспорт қилиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, 2024 йилда Европа Иттифоқининг 6 та давлати ҳамда Туркияга 32 та чарм, озик-овқат, мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортчи корхоналар иштирокида бизнес-миссиялар ташкил этилиб, 64,6 млн. доллар маҳсулотлар экспорти амалга оширилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан Европа Иттифоқининг “Бош преференциялар тизими плюс” (“GSP+”) бенефициари мақоми олинган. Бугунги кунда Ўзбекистон Буюк Британиянинг “GSP-” тизими бенефициари ҳисобланади.

Ушбу тизим доирасида қўлланадиган имтиёзлар доирасида 6200 дан ортиқ товар позициялари бўйича маҳаллий маҳсулотларни Европанинг 27 та мамлакат ва Британия бозорларига божхона божсиз экспорт қилиш имконияти эга. Хўрама мазкур имкониятлардан фойдаланиш қўлимга кенгайтирилмоқда.

Вазир жавобидида келтирилишича, сўнгги йилларда республиканинг мавжуд имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали товар ва хизматлар экспорт ҳажминини сезиларли даражада кўпайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилляпти. Жумладан, хорижийнгуфузили “PWC” компаниясини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2025 — 2030 йилларга мўлжалланган миллий экспорт стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Унда жаҳон бозори тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда экспорт таркибидида тайёр маҳсулотлар улушини 50 фоиздан ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш, маҳсулотларни хорижда кенг тарғиб қилиш ва ташқи бозорлар стандартларига мослаштириш, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш каби комплекс чоралар қўриш орқали 2030 йилда мамлакатнинг экспорт ҳажминини 45 млрд. долларга етказиш назарда тутилган.

Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибидида қўрилган қийматли маҳсулотлар улушини ошириш мақсадига маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнарида халқаро стандартларни жорий этиш ва корхоналарни сертификатлаштириш чоралари қўрилди. Натижада қишлоқ ҳўжалиги ва озик-овқат саноати йўналишида халқаро стандартлар қўлланилиб, 2024 йил якуни билан ушбу соҳада сертификатлаштирилган корхоналар сони 1 335 тага етказилган.

Мажлисида парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилгани айтилиб, вазирнинг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗИМИЗ ЎЗГАРМАС ЭКАНМИЗ, ЖАМИЯТДА ЎЗГАРИШ БЎЛМАЙДИ

Президентимиз раислигида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишни катта ҳаяжон ва диққат билан кузатдик. Давлатимиз раҳбари ислохотлар ҳал қилувчи босқичга кираяётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга тўхталиб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб берди.

Акс садо

Дарҳақиқат, дунёнинг ҳар қандай мамлакатидидаги ислохотлар йўлида энг катта тўсиқ ва ров, бу — коррупция. Бунидунё тажрибаси ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Ушбу иллат оқибатидида жаҳон иқтисодиёти йилга 3 триллион доллар зарар қўраётгани глобал хавф эканидан далолат. Коррупция халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга бўлган ишончига пугур етказида, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдид солади.

Шу нуктаи назардан, юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича аниқ тизим яратилди, алоҳида қўшимча қабул қилинди. Парламент палаталарида масул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва агентлик ташкил қилинди. Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳока-масига олиб чиқадиган очик тизим, очик муҳит яратилди.

Шу билан бирга, қонун ишлаши, самара бериши, коррупцияга қарши кураш натижадорлиги аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалишига ҳам боғлиқ,



“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-боби “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” деб номланиб, унда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муро-сасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари устувор вазифа экани белгиланган.

Шу ўринда коррупцияга қарши кураш борасида жамиятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларга тўхталиш жоиз. Масалан, олий таълим тизимини олайлик. Институт ва университетларга

қабулнинг 2018 йилдан бошлаб адолатли, ошқор ташкил қилиниши, ўқув жараёнининг замонавий кредит-модуль тизимига ўтказилиши, профессор-ўқитувчилар ойлук маошининг бир неча бара-вар кўтарилиши, профессионал мутахас-сисларнинг давлат томонидан кенг рағ-батлантирилаётгани натижасида олий таълим тизимида коррупция ҳолатлари жиддий камайди.

Соҳада узоқ йиллар ишлаган педагог ва олим сифатида шуни айтмоқчиман-ки, жамиятда устувор соҳа — таълим тизимида ёшлар онгига коррупция, пора-хўрлик энг ёмон иллат эканини чуқур сингдириш лозим.

Жамиятда “Порахўрлик иллатини ен-гиб бўлмайди”, деган тушунча шаклла-ниб қолишига йўл қўйилмаслиги шарт. Ойлада, бочада, мактабда тамағирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, бал-ки у жамиятимиз таназзули, иқтисо-диётимиз орқага кетиши сабаби экани ҳақида қўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормасак, мақсад-муд-даога эриша олишимиз қийин.

Ёшларга фақат илм нозат эканини, ёмонлиқдан қайтариб, яхшилиқка даъ-ват этишини тушунтиришимиз, бу ақидани онгига қўйишимиз керак. Навқирон авлоднинг дунёқарашини шакллантирадиган ижтимоий фанларни таълим тизимининг барча босқичида сифатли ўқитиш чора-тадбирларини белгилаш ҳам коррупцияга қарши ку-рашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади, деб ўйлаймиз. Айнан ижтимоий фанлар келажгимиз эғала-

рини ҳам маънан, ҳам руҳан тарбиялаш-нинг энг яхши воситасидир.

Президентимиз таъбири билан айт-ганда, ислохотларимиз натижадорлиги, аввало, садоқатли, фидойи ва корруп-цияга тоқатсиз янги авлодга бевосита боғлиқ. Бу ишда фикри тоза ёш авлод-ни тарбиялаш устувор вазифага айла-ниши шарт.

Шу мақсадда мактаб директорлари Тарбия фани доирасида ўғил-қизлари-мизга ҳалоллик, бировнинг ҳақиға хиё-нат қилмаслик каби эзгу ғояларни сод-да тилда тушунтириб бориши керакли-ги таъкидланди. Ректорлар эса талаба-ларнинг коррупцияга қарши лойиҳала-ри, стартап ва инновацион ташаббус-ларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиши зарур. Умуман, “корруп-ция — келажакка таҳдид” деган ғоя асо-сида янги Ўзбекистон ёшлари қалбидан жой оладиган тизим яратилса, айни му-дао бўлади.

Шу ўринда мулоҳаза. Бугун ҳар би-римиз порахўрлик ва коррупциянинг жирканч иллат экани, айрим раҳбар-лар, шифокорлар, педагоглар ва бошқа касб эгаларининг “совға-салом”-га ўчлиги ҳақида кўп гапирамиз-у, аммо ҳамма ишининг бошида ўзимиз турганимизни унутиб қўямиз. Фарзан-димизни ишга жойлашга ёрдам бер-ган раҳбарнинг, ақинимизни давола-ган шифокорнинг сўрамаса ҳам қўн-та-гига пул кистириб кетаётган ўзимиз-га. Бировдан камчилиқ қидирамиз, аммо ўзимизнинг камчилигимизни уну-тиб қўямиз. Демак, биринчи навбатда,

ҳар биримиз ўзимиз ўзгармас экан-миз, жамиятда ўзгариш бўлмайди, қусурларимиз “болалайверадимиз”. Тўйлар ўтказишда ҳаддан ошмиш, уни кимўзарга айлантириш тобора авж олаётгани ҳам коррупция илдизини кучайтирадиган одатлардан. Тўй кор-тежлари, сон-саноксиз тоғоралар, бе-хисоб олди-бердилар, қиз томонинг қувёнинг уйини хориж мебеллари, ас-боб-анжомлари билан тўлдириб бе-риши ва бошқа “орзу-ҳаваслар” эмасми бизни порахўрликка ундаётган омил-лар?! Шунинг учун давлатимиз раҳба-рини йиғилишда коррупцияни енгиш учун, биринчи навбатда, унинг орт-қча хашамат ва дабдаба деган “ўқ ил-дизларини” қуритишимиз шартлигини айтди. Энг ачинарлиси, бунга таниқли шахслар бош-қош бўляпти, одамлар уларга тенглашаман деб, ўзини “ўтга-қўққа” урпаяти. Бу борада раҳбарлар ўзининг мактабона турмуш тарзи би-лан барчага намуна бўлиши шарт, сох-та кадриятлар асирига айланиш ин-сонни ноқонуний даромад топишга мажбурлаши турган гап. Шу боис дав-латимиз раҳбари парламент палатала-ри, маҳаллий Кенгашлар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла раислари, нуру-нийларни бу масалалар бош-қош бўлиб, аҳоли орасида тушунтириш ишларини кучайтиришга қақирди.

Бефарқлик, локайдликка йўл қўй-сак, тараққиётга тўғонок бўлаётган бу ил-латдан халос бўлмаймиз. Уни бартар-аф этмас эканмиз, жамият дарахти мева тугиб, гуркураб ўсолмайди. Кела-

жак авлод бу дарахтнинг саховатидан баҳраманд бўлмайди. Коррупция му-қаррар фалокатдир. У келажакка ишонч, умид руҳини сўндиради. Жамиятда рух-сиз ва қайфиятсиз инсонларнинг қўпай-ишига, ўғрилиқ, қаззоблик, айёрлик каби иллатларнинг палак ёзишига сабаб бўлади. Ислохотни маъийи коррупцион ҳолатларнинг олдини олишдан бошла-шимиз даркор. Коррупцияга қарши фа-қат сёбат билан эмас, ж

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР



Машхур адиб Виктор Гого таваллуд топган Безансон шаҳрида туғилиб ўсган аёл Бухоро шаҳрида меҳмонхона очишга қарор қилди. Шахсий жамғармасининг салмоқли қисmini шу ердан уй сотиб олишга сарфла-

ди. Тураржойни обдан таъмирлаб, 40 ўринли меҳмонхона очди.

Шу тариқа у “Helene Oasis” масъулияти чекланган жамияти таъсисчисига айланди. Бизнес лойиҳага 500 минг евродан зиёд

Меҳр риштаси

Бундан 19 йил муқаддам Франциядан юртимизга сайёҳ сифатида келган Элен Пелос хоним қадимий кўчаларида эрта-ю кеч ҳаёт нафаси уфуриб турадиган, тарихий обидалар оғушидаги кўҳна Бухорони кўрдио унга ипсиз боғланиб қолди.

БУХОРОНИНГ ФРАНЦИЯЛИК БУВИЖОНИСИ

сармоя сарф қилди. Воқеалар ривожидан ўзиб айтиш мумкин, сайёҳлик мавсуми бошлангандиган шу кунларда меҳмонхонада таъмирлаш ишлари авж паллада — сайёҳлар учун янада қулайлик яратилмоқда. Бу юмушга жалб этилган таъмирловчи усталар ҳам хурсанд. Чунки ҳалол меҳнат ортидан улар яхшигина даромад топмоқда. Қолаверса, унинг меҳмонхонасида ишлаётганлар ҳам кам бўлишгани йўқ. Уларнинг бири яқинда уй-жойли бўлди.

Тўғри, 75 ёшли Элен хоним бу ерда мўлим яшамайди. Лекин ҳар йили ҳаётининг уч-тўрт ойини Бухорода ўтказишни канда қилмайди.

— Мен Элен хонимнинг фаолияти мисолида икки халқ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ало-

қалари мустақамланаятганини кўраман, — дейди Жалол Икромий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Замира Султонова. — Қолаверса, “Helene Oasis” жойлашган Арабон кўчасидаги кўни-қўшнilar учун ҳам у қадрдон инсонга айланган. Улар билан тез тил топишган Элен хоним маърака-мавридлардан қолмайди. Турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжмандлардан хайру саховатини аямайди.

Францияни Ўзбекистондан минглаб қақирим масофа ажратиб турибди. Лекин Элен хонимнинг фаолияти кўрсатмоқдаки, дўстлик ришталарини боғлаш учун бу муаммо эмас. Айни пайтда Президентимизнинг Францияда ташриф билан бўлиб, шу давлат расмийлари билан мулоқотлар ўтказаятгани ҳам

ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Ўзоқ йиллар ўз мамлакатда консерваторияда ёшларга сабоқ берган Элен хонимнинг миллий мусиқамизга ҳам ихлоси баланд. Қадимий дарвоза остонасидан ўтган меҳмонни, албатта, ўзбекона лутф билан қарши олади. Кўни-қўшнilarнинг болалари эса унга Бухоро лаҳзасида “Бибижон” дея мурожаат этишини айтмайсизми? Дарвоқе, яқинда у билан телефон орқали мулоқот қилганларнинг айтишича, Элен хоним Бухорони соғинган. Баҳор сепини ёйдиган апрель ойида у ўзи учун иккинчи ватан бўлиб қолган Ўзбекистонга, қадрдон маҳалласига келмоқчи.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

НОДИРА ОПАНИНГ ГУЛЛАРИ

“Анджон гуллари боғи” гулчилик кластерининг раҳбари Нодирахон Насриддинованинг боғда, ҳовли ва уй деворларида чирмашиб ўсадиган ноёб атиргуллари бор. У йиғирма йилдирки, турли манзил-маконлардан сара гулларнинг уруғи, куртаклари, қаламчаларини олиб келиб сотиш билан бирга, кўни-қўшни ва танишларига ҳада этиади.

Меҳнат ва роҳат

Мана, уч-тўрт йилдирки, тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириб, гул ва кўчат етиштириш билан шуғулланиб келяпти.

— Бизга “Янги Анджон” массивини гулзорга ай-

лам атиргул. Нозик дидли буюртмачига итальян атиргулларидек махсулот етказиб берсақина, бизнесимиз муваффақият қозонади. Бунинг учун ҳаммаси лабораториямиз фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир гулга илмий ёндашамиз.

Инсон ўз касбини севса, уни меҳр билан амалга оширса меҳнатидан барака топади. Гулчиликда ўз бизнесини йўлга қўйиб, кўплаб хотин-қизларни иш билан таъминлаган Нодирахон Насриддинова давлатимизнинг юксак мукофоти — “Шўҳрат” медални билан тақдирланган. “Йил аёли — 2024” республика кўрик-танлови ғолиби бўлган.

— Мавсум пайтида ишчиларимиз сони минг нафардан ортади, — дейди гулчи опа. — Гул етиштириб даромад топаётганларнинг кўпи шу соҳада ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишни хошлашади. Шундан келиб чиқиб Анджон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ўқув курслари ташкил этган-миз. У гул ва кўчатчиликнинг сир-асрорини билишдан тортиб, даромад топишгача бўлган жараёни ўз ичига олган.

Кишида меҳнатга иштиёқ, ҳавас бўлса, албатта, максатга эришади. Мақоламиз қаҳрамони Нодирахон Насриддинованинг фаолияти билан танишарканмиз, излаган имкон топишга, ҳаракат қилган асло кам бўлмаслигига амин бўлдик. У яратаятган гўзаллик эса нафақат даромад келтиради, балки мафтункор чиройи билан ҳаммани ўзига жалб этмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



лантириш масъулияти юк-ланганди, — дейди Нодирахон Насриддинова. — Шу кунгача 30 турдаги 20 минг туп гул, манзарали дарахт кўчатларини эдик. Улар йилнинг тўрт фаслида ҳам гуллаб, ҳудуд кўрkingа-кўрк қўшиб турибди.

Гулчилик ҳам касб. “Анджон гуллари боғи” клас-тери ишчилари нафақат водий, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида гулчилик бизнесини ривожлантириш учун йирик лойиҳаларга қўл урган. Хусусан, Анджон, Фарғона, Наманган, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида барпо қилинган яшил маконлар хорижлик сайёҳларни ҳам мафтун этаётди.

— Гулчиликнинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Чунки гулга доимий ғамхўрлик керак, — дейди тажрибали тадбиркор. — Туркия, Италиядан кўчат, уруғ олиб келганимиз ўз йўлига, аммо улар юртимиз иқлимига мослаштириш учун гулчилик сир-синоатидан яхши хабардор бўлиш лозим. Дейлик, бир қарашда атиргул Италияда

САНДОНДА ЖИЛОЛАНГАН ГЎЗАЛЛИК

Косон тумани марказидаги Ширинобод маҳалласида мўъжазгина темирчилик устахонаси бор. У 1991 йилда косонлик машхур темирчиларнинг учинчи авлод вакили Ниёзқул Ҳамроев томонидан қурилиб, ишга туширилган. Ўтган йиллар мобайнида туман маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ниёзқул бобо-нинг устахонасида ҳеч нарса ўзгармаган: асосий жиҳозлар ва иш қуроллари — ўчоқ, қўра, супа, чўпқунда, сандон, боқсон, болға, омбур, эгов, чарх ва шу каби бир нечта буюмлар.

Ибрат

Бу йил 75 ёшни қаршилаган уста темирчи Ниёзқул Ҳамроев шоғирдларини ёнига олиб, доимо иш билан банд.

— Бобом уста Саттор бутун умр темирчилик билан шуғулланган, — дейди Ниёзқул бобо. — Бу ҳунарни ундан ўрганганман. Мактабни тамомлаб пайвандчиликка ўқидим. Бир муддат жамоа хўжалигида ишладим. Ўттиз тўрт йилдан буён сулолаимиз ҳунарини давом эттириб келяпман. Шу ҳунар ортидан фарзандларимни тарбиялаб, уйли-жойли қилдим. Обрў-эътибор топдим. Элликача яқин шоғирдлар тайёрладим. Уларнинг қўлчилиги мустақил равишда ишни давом эттирмоқда. Ҳозир ҳам ёнимда бир нечта шоғирдларим бор. Шу кичкина устахонамизга кўплаб машхур инсонлар келиб, буюмлар харид қилган.

Ишлаб чиқариш технологиялари юқори даражада ривожланган бугунги кунда қўл меҳнати билан

кўп вақт ва катта куч сарфлаб ясалган буюмларга эҳтиёж қолмагандек туюлади. Ниёзқул бобо Ҳамроев эса аксинча, қўлда ясалган темирчилик буюмларига талаб янада ортиб бораётганини айтади.

— Бир неча йил аввал Қўқон шаҳрида ўтказилган ҳунармандчилик махсулотлари кўргазмасида қатнашдим, — деб давом этади ҳунарманд. — У ерга олиб борган буюмларим орасида тўрт дона қўлда ясалган темир қўлф ҳам бор эди. Беларуслик бир сайёҳ ажабланиб, унинг нималигини сўради. Тушунтириб берганимдан сўнг “Шуни менга сотинг”, деб туриб олди. Кейин бир арабистонлик сайёҳ қолган учта қўлфни ҳам сотиб олди.

Устанинг айтишича, темирнинг оловда маромиди тобланиб, сандонда болға дамини еб, керакли шаклга кирганини, етарлича сил-ликланганини кўзингиз қўриб, қўлингиз ҳис этмаса, у буюмнинг мустақам бўлиши қийин. Мўъжазгина устахонанинг ўзида юздан



ортиқ тур ва ўлчамдаги буюмлар тайёрланади. Аксарият буюмлар миқозининг талабига қўра у айтган шакл ва ўлчамда ясаб берилади. Тўрт-бешта қўлп билан бу ишни уддалаб бўлмайди.

Темирчилик буюмларига талаб ҳеч қачон йўқолмайди. Бу ҳунар яна асрларни асрларга улаб давом этаверади. Фақат темирчи ҳам бироз тадбиркор бўлса, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда махсулот тайёрласа, даромади янада ошиши мумкин. Ва нима бўлганда ҳам, уста номи билан элга машхур бўлган Ниёзқул бобо Ҳамроев ясаган буюмлар бугунги ёш ҳунармандлар орасида юксак дид, беқиёс маҳорат, касбга муҳаббат ва ўлмас қадриятлар рамзи бўлиб қолаверади.

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН «ЧИНОРТАГИ»

Фарғонанинг сўлим табиати, ҳушманзара қишлоқлари ўзига хос “ташриф қоғози”дир. Водил қишлоғида жойлашган, 3,5 гектар майдондан иборат “Чинортаги” маданият ва истироҳат боғи яқингача шинам дам олиш маскани бўлган. Афсуски, кейинги йилларда ушбу файзли боғ кўз ўнгимизда тўкилиб бормоқда. Шу боис дам олишга келувчилар сони кескин камайган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Холбуки, бир пайтлар Шохимардондаги дам олишга мўлжалланган жойлар ҳам мазкур боғ тасарруфида бўлган. Пуर्वикор тоғлар бағридаги Шохимардон, Ёрдон қишлоқларига келувчилар аввал “Чинортаги”даги Хўжа Аҳмад Валий ёдгорлигини зиёрат қилишган. Минг йиллик чинорлардан ҳайратланиб, “Оталар чойхонаси”да ош ейиш учун навбатда туришган. Наҳотки, бу кунлар ўтмишга айланган бўлса?

— Фақат ёз мавсумидагина фаолият кўрсатамиз. Ўтган йили ҳам ёзда ишлаб, давлат газнасига 30 миллион сўм маблағ ўтказдик, — дейди “Чинортаги” маданият ва ис-

тироҳат боғи раҳбари Адҳамжон Маллаев. — Куз, қиш ойларида боғ ҳудуди ҳувуллаб қолади. Ёзда иссиқ, қишда совуқ бўладиган эски бинаода ишлашнинг имкони йўқ.

Боғ ҳудудида фаолият кўрсатаётган 8 та аттракционнинг баъзиларини 40 йил олдин олиб келинган. Техника хавфсизлиги, хизмат кўрсатиш сифати талабга жавоб бермайди. Уларнинг атрофидаги ҳимоя тўсиқлари вазифасини бажараятган темир панжаралар эскириб қолган. Дам олувчилар ўтиши мумкин бўлмаган хавфли ҳудудлар қўлбола усулда тўсиб қўйилган. Боғ ҳудудида бирорта



чиқинди қўтиси мавжуд эмас. Ариқлар, йўлақлардаги хунук манзарадан кайфиятингиз бузилади. Бундан 63 йил олдин қурилган, маънан эскирган учун реновация дастурига тушган 3 та икки қаватли уй ҳам боғ манзарасини бузиб турибди.

— Боғ ҳудудида музей ташкил чинор, қайин, бақатер дарахтлари бор, — дейди боғ ходимаси Арофат Маллабоева. — “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида янги манзарали дарахтлар экиляпти. Лекин ҳудуднинг табиий иқлим шароитини ўрганиш учун экология

соҳаси мутахассисларига эҳтиёж сезилади. Боғ атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари қўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, йилнинг тўрт фаслида бу ердаги ариқларда сув оқиб туради.

— Боғ ҳудудида музей ташкил қилиб, тарихий экспонатлар ва маълумотлар йиғиш билан шуғулланиб келяпман, — дейди меҳнат фахрийси Холдорали Қулфиддинов. — Бу жой Фарғона музейи филиалига айлантирилса, нур устига нур бўлади. Наҳотки, туман тарихи ва мада-

ниятига оид экспонатларни йиғиб, музей фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фидойи муаллимини кўлаб-қувватлайдиган бирорта тадбиркор топиламаса? Бундан ҳам ачинарлиси, боғда собиқ иттифок даврида меҳнати туфайли доврўқ қозонган Ҳамроқул Турсунқуловга ўрнатилган ҳайкалга олиб борадиган йўллар ҳам таъмирталаб. Шу ҳайкал атрофида гуллар экиб, зиёратчилар учун иккита ўриндик ўрнатиш унчалик катта маблағ талаб қилмаса керак? Афсуски, бу манзара юрт қаҳрамонларига бўлган тасаввуримизни ўзгартади.

Туман ҳокимлиги мутасаддиларининг маълум қилишича, Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан истироҳат боғи ҳудудида қурилиш таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Фарғона туманининг туризм манзили бўлган “Чинортаги” маданият ва истироҳат боғининг нуфузи яна тикланишига умид қилиб қоламиз.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

«ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТУФАЙЛИ ҲАЁТГА ҚАЙТДИМ»

Президентимиз ташаббуси билан халқимиз саломатлиги йўлида жорий этилган Давлат тиббий сугурта тизими фуқароларимизга бепул тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда. Айниқса, кам таъминланган аҳоли қафолатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқда.



Сурхондарё вилоятида кўплаб оилалар давлатимизнинг бу ғамхўрлигидан миннатдор. Жумладан, 71 ёшли кўмқўрғонлик Эсон Омонов ҳам ана шундай инсонпарварликдан баҳраманд бўлган юртдошларимиздан бири.

— Ўзоқ йиллар ҳайдовчилик қилдим, — дейди Эсон бобо. — Энди набираларим камолини кўрай деганимда, юрак-ишемик касаллигини орттириб, бошим ёстиққа тегди. Тўғриси, оилавий шароитимиз туфайли мураккаб турдаги тезкор жарроҳлик амалиётига эҳтиёжманд беморларга берилган имконият асосида имтиёзли операция қилиндим. Барча харажат давлат томонидан тўлаб берилди.

Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, электрон QR-кодли йўлнамаси асосида даволанган имтиёзли тоифага кирувчи беморлар сарфланган харажатлар Давлат тиббий сугурта жамғармаси томонидан қўллаб берилади. Ва асосийси, энди беморларнинг пойтахтга бориб овора бўлишлари ҳолат қолмайди. Энг ноёб турдаги мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам вилоят марказида ўтказилаётгани беморларнинг мушкуллини осонлаштиради.

— Жорий йилда Давлат тиббий сугурта жамғармаси орқали юқори технология амалиётларини бажариш учун ҳар ойда 300 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Ботир Мамасоатов. —

Муассасада ўнга яқин мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётлари ҳафтада икки марта ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда урология, нефрология, пульмонология, ортопедия, юрак-қон томир йўналишидаги касалликлар билан оғриган ижтимоий ҳимояга муҳтож, имтиёзли тоифага кирувчи беморларни даволашга сарфланган барча харажат жамғарма томонидан тўлиқ қўллаб берилмоқда.

Давлат тиббий сугуртасининг бошқа сугурта турларидан фарқи шундаки, белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ аҳолининг барча қатлами қафолатланган тиббий ёрдам билан қамраб олинади. Улардан бу сугурта турига ҳеч қандай пул ва бадаллар талаб қилинмайди. Бундай тизимнинг татбиқ этилгани янги Ўзбекистон ислохотлари замирида инсон ҳақ-ҳуқуқлари, манфаати биринчи ўринда туришининг амалдаги тасдиғидир.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Жорий йилнинг 14 — 16 март кунлари Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида «Ҳинд киноси кунлари» ўтказилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахриратта марказида термал хамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мушаххис — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 07.20 Топширилди — 08.00 1 2 3 4 5 6